

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ТАРИХ ВА
ИЖТИМОЙИ ФАНЛАР ФАКУЛЬТЕТИ**

**МҲМАХТ ЙЎНАЛИШИ МАГИСТРИ МУРАТБАЕВА
САРВИНОЗНИНГ**

**“МАДАНИЙ ГЛОБАЛЛАШУВ ВА МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР”
МАВЗУСИДА ЁЗГАН РЕФЕРАТ ИШИ**

АНДИЖОН - 2014

РЕЖА:

КИРИШ
АСОСИЙ ҚИСМ

- 1 Глобаллашув ва унинг моҳияти**
- 2 Маданий глобаллашув ва миллий қадриятларни ҳимоя этишнинг зарурлиги**
- 3. Ўзбекистон ва глобаллашув**

ХУЛОСА
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

КИРИШ

Маълумки, XX1 аср бошларида глобаллашув асосий ижтимоий жараёнлардан бирига айланди. Глобаллашув жараёни ер юзидаги барча давлатлар ва миллатларнинг ижтимоий ҳаётига таъсир этиб, уларнинг иқтисодий, сиёсий ва маданий – маънавий тараққиёти йўналишларини белгилаб бермоқда. Ҳозирги даврда бу жараён ўз таъсир доирасига барча ижтимоий субъектларни тортмоқда.

Глобаллашув жараёни шиддат билан анъанавий тарзда ҳаёт кечирувчи элатлар ва миллатларнинг ҳам турмуш тарзини ўзгартириб юбораётгани аниқ. Ўзбекистон ҳам бу жараённинг таъсиридан мустасно эмас. Шу нуқтаи назардан глобаллашувнинг бошқа шакллари қатори маданий глобаллашувни ва бу жараёнда миллий-маънавий кадриятларнинг ролини ўрганиш, унинг моҳияти, хусусиятлари ва зиддиятларини назарий жиҳатдан тадқиқ этиш ҳамда бу жараённинг таъсири ва оқибатлари қандай натижаларга олиб келиши мумкинлиги масалаларини ўрганиш бугунги кунда ижтимоий фанларнинг долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда. Шу сабабли ҳам глобаллашув жараёнини назарий жиҳатдан ўрганиш ва амалий ҳаётда бундай тадқиқотнинг натижаларидан фойдаланиш муҳим илмий аҳамиятга эгадир.

1.1 Глобаллашув ва унинг моҳияти

Ҳозирги даврда глобаллашув ҳодисаси бутун дунё интеграциясининг натижаси сифатида намоён бўлиб, ижтимоий ҳаётнинг тубдан ўзгаришига олиб келмоқда ва жамиятда кечаётган жараёнларнинг етакчи тенденциясига айланиб бормоқда. Бу тенденциянинг бориши, намоён бўлишининг хусусиятлари, қонуниятлари ва оқибатларини ўрганиш, ҳамда таҳлил этиш масалалари ижтимоий фанларнинг асосий муаммоларидан бирига айланди.

Сўнгги пайтларда олимлар томонидан “глобаллашув”, “глобализм” тушунчалари кенг қўлланилмоқда. Глобаллашув - объектив, табиий жараён бўлиб, у инсониятнинг тобора иқтисодий, ижтимоий – сиёсий ва маданий-маънавий боғланиб ва интеграциялашиб бораётганини акс эттиради. Глобаллашув стихияли тарзда пайдо бўлган ҳодисаларнинг оқибати эмас. Бу жараён у ёки бу шаклда жамият тараққиётининг барча

босқичларида мавжуд бўлган. Фақат ҳозирга келиб иқтисодий – сиёсий ва технологик тараққиёт таъсири натижасида унинг моҳияти ўзгариб кетди.

Глобаллашув дунёнинг ҳозирги кундаги интеграция босқичини намоён этади. Бу босқич давлатлар ва халқларнинг ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларда янада боғланиб бораётгани ва бир қатор мамлакатларнинг йирик давлатларга иқтисодий жиҳатдан қарам бўлиб қолаётгани билан характерланади. “Глобаллашув” тушунчасига яқин бўлган, лекин моҳиятан фарқ қилувчи тушунча “глобализм”дир. Бу тушунча айрим шахслар, ижтимоий гуруҳлар, давлатларнинг ўз манфаатларига ва мақсадларига мос равишда глобаллашув сиёсатини амалга ошириш борасидаги фаолиятини ифодалайди. Глобаллашув ва глобализмнинг намоён бўлиши хусусиятларини ҳар томонлама ўрганиш унинг оқибатида юз бериши мумкин бўлган ҳодисаларни олдиндан билиш, унинг келгуси тенденцияларини англаш, зарур бўлганда бу жараён олиб келиши мумкин бўлган салбий оқибатлардан ҳимояланиш механизмларини ишлаб чиқиш ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан ҳолат муҳимдир.

Жаҳоннинг ягона глобал иқтисодий тизим доирасига тобора бирлашиб бориши, жаҳон миқёсида фаолият олиб борувчи хўжалик механизмнинг шаклланиши, ҳар бир мамлакат иқтисодиёти эса бундай ягона тизимнинг ажралмас қисмига айланиб бориши ўз-ўзидан глобаллашув жараёнини тақозо эта бошлади. Инсоният тарихининг бошиданок иқтисодий кучларнинг ривожланиши ва ишлаб чиқаришнинг тараққий этиб бориши инсонлар, турли мамлакатлар, давлатлар ва миллатлар ўртасида ўзаро боғлиқликни келтириб чиқарди ва глобаллашув жараёнининг юзага келишига шарт-шароит ва имкон яратди.

Бундай боғланишнинг таъсирида бир мамлакат таъсирида бўлаётган ҳодиса албатта, иккинчи мамлакатга ҳам таъсир кўрсатмоқда. Бугунги кунда турли жамиятлар ҳаётида юз бераётган ҳодисаларнинг натижалари ва оқибатлари қисқа соатлар ичида дунёнинг барча мамлакатлари ва халқлари ҳаётини қамраб олмақда, деб эътироф этиш мумкин. Айтиш мумкинки бугунги кунга келиб жаҳон ҳамжамияти ягона иқтисодий-ижтимоий тизимга айланди. Глобаллашув жараёни шиддат билан анъанавий тарзда ҳаёт кечирувчи элатлар ва миллатларнинг ҳам турмуш тарзини ўзгартириб юбораётгани аниқ. Ўзбекистон ҳам бу жараённинг таъсиридан мустасно эмас. Глобаллашув жамиятнинг иқтисодий-ижтимоий ва маданий-маънавий, сиёсий-ҳуқуқий ва экологик соҳаларига таъсир кўрсатиб, бу соҳалар тизимида турлича ўзгаришларга олиб келмоқда.

Глобаллашувнинг таъсири натижасида жамиятнинг маданий – маънавий соҳасида юз бераётган ўзгаришларни англаб етиш, уларни аввалдан кўра билиш, бу жараён олиб келиши мумкин бўлган ижобий ёки салбий ўзгаришларни илмий- фалсафий фараз қилиш

жамият тараққиётида катта аҳамиятга эга. Шу билан бирга бундай ҳодисаларнинг ижобий ва салбий жиҳатларини аниқлаган ҳолда, зарур бўлганда, уларга мослашиш, фойдаланиш ва уларнинг баъзи бир салбий таъсир этувчи жиҳатларидан ҳимояланиш, ҳимояланишнинг усуллари ва механизмларини ишлаб чиқиш миллий манфаатларимизни ҳимоя этиши ва шу йўл билан мамлакатимизнинг прогрессив тараққиётига хизмат қилиши мумкин.

Шу нуқтаи назардан глобаллашувнинг бошқа шакллари қатори маданий глобаллашувни ўрганиш, унинг моҳияти, хусусиятлари ва зиддиятларини назарий жиҳатдан тадқиқ этиш ҳамда бу жараённинг таъсири ва оқибатлари қандай натижаларга олиб келиши мумкинлиги масалаларини англаб етиш бугунги кунда ижтимоий фанларнинг долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда.

Ҳозирги даврга келиб глобаллашув жараёнининг суръатлари шу даражада жадаллашиб кетдики, бунинг натижасида ижтимоий муносабатлар, маданий, сиёсий ва миллатлараро алоқалар бу жараённинг доирасига тортилди. Дунёнинг барча давлатлари ва халқлари ўзаро ижтимоий алоқаларга кириши натижасида улар бир – бирига янада яқинроқ бўлиб, уларнинг таъсир доираси янада кенгайиб бормоқда.

Глобаллашувни ўрганиш тарихига эътибор қаратадиган бўлсак, бу жараён қадимдан мутафаккирларнинг диққатини тортганлигини кўрамиз. Қадимда айнан глобаллашув ҳақида сўз юритилмаган бўлса-да, тарихнинг умумийлиги ва ягоналиги, тараққиёти, умумий тарихий жараённинг амалга ошиш қонунлари ҳақидаги фикрлар Гераклит фалсафасида, Полибийнинг “Умумий тарих” асарида, Аристотел, Платон, Сократ ва бошқа қадимги файласуфларнинг асарларида айтиб ўтилганлигини кўрамиз.

Шарқ Уйғониш даврига келиб Ибн Сино, Форобий, Ибн Халдун, Ибн Боджа каби мутафаккирларнинг асарларида ҳам глобаллашувга оид фикрлар бор, деб айтиш мумкин. Масалан, Ибн Синонинг ақл, қалб ва жисмларни келтириб чиқарувчи ягоналик, Ибн Арабийнинг ягона дунё, Ибн Боджанинг умумий ақлга бирлашуви орқали инсоннинг бахтга эришуви ҳақидаги фикрларини айтиб ўтиш мумкин.¹

Ғарб Ренессанс даври намоёндаларининг асарларида, Янги давр француз маърифатпарварларининг тадқиқотларида ҳам глобаллашув масалалари ёритилган. Масалан француз файласуфи Жан Жак Руссонинг “Тенгсизликнинг сабаблари”, “Ижтимоий келишув ҳақида” асарларида жамият тараққиёти, жамиятнинг ҳаракатлантирувчи кучлари, жамият аъзоларининг эркин бўлиши эҳарурлиги ҳақида ёзади. Жан Жак Руссонинг фикрича, хусусий мулкнинг келиб чиқиши фуқаролик жамиятининг шаклланишига таъсир кўрсатган бўлсада, хусусий мулк кейинчалик

¹ Юлдашева Ф. Глобаллашув ва цивилизация. Ижтимоий фикр. 2010, № 2.

жамиятда бой билан камбағалнинг, эжксплуатациянинг келиб чиқишига ва тенгсизликнинг пайдо бўлишига олиб келди. Биринчи марта ўз ерининг атрофини тўсиб, “бу меники”, деб содда кишиларни ишонтирган инсон фуқаролик жамиятининг ҳақиқий асосчиси эди. Пайдо бўлган фуқаролик жамияти энг шафқатсиз уруш ҳаракатларининг театрига айланди. Глобаллашув масаласи немис классик фалсафасининг асосчиларидан бири Гегелнинг асарларида ҳам умумий тарих ҳақидаги фикрлари орқали намоён бўлган.

Цивилизация назариясининг асосчилари А.Шпенглернинг “Европанинг сўниши”, А.Тойнбининг “Тарихни тадқиқ этиш” асарларида цивилизация назариялари ёритилган. Ушбу муаллифларнинг фикрича жамият тобора умумий тарихий жараёнга бирлашиб боради, бундай умумий тарих эса цивилизациялар алмашинуви сифатида намоён бўлади. Масалан, Шпенглернинг фикрича, тарих қуйидаги цивилизацияларни босиб ўтган: Миср, Вавилон, Ҳиндистон, Хитой, Греция-Рим (аполлон), араб, Мексика ва Ғарб (Фауст).

Шпенглердан сўнг Тойнби эса инсоният тарихини умумий улкан жараён сифатида тасаввур этади ва уни бир – бирига занжирсимон тарзда боғлиқ бўлган йигирма битта цивилизациялар тарихига бўлади. Улар анд, хитой, миной, шумер, майя, ҳинд, эллин, ғарб, православ (Россия), узоқ шарқий (Корея, Япония), эрон, араб, индуизм, мексика, юкатан, вавилон ва бошқалар. “Таниқли цивилизациялар сони кўп эмас, биз 21 та цивилизацияни аниқладик, лекин уларни чуқурроқ таҳлил этиш мустақил цивилизацияларнинг сонини янада камроқ эканлигини кўрсатади.”² Бу цивилизациялар дини ва ҳудудий белгилар билан фарқланади. Улардан ҳар бирини ўз қадриятлар тизими мавжуд бўлиб, уларнинг атрофида цивилизацияларнинг ҳаёти шаклланади. Цивилизациялар туғилиш, ривожланиш, синиш ва емирилиш даврларини босиб ўтади. Бу цивилизациялардан ҳар бирининг олдида чақириқ ва жавоб муаммоси туради. Табиий ёки инсоний муҳит цивилизация олдида ўз чақириғини қўяди. Жамиятнинг келгуси ҳаёти эса цивилизациянинг чақириққа жавоб бера олиш қобилияти билан боғлиқ.

Умумий тарихий жараён ва унда акс этувчи глобаллашув ҳақидаги умумий ғоялар К.Ясперснинг асарларида ҳам ўз ифодасини топган. Ясперснинг фикрича, инсониятнинг манбаи ва мақсадлари ягоналиги сабабли ҳам унинг тарихи ягона. Бутун тарих бир-бирининг ўрнини босувчи учта фазага: тарихгача бўлган давр, тарих ва дунё

² Тойнби А.Дж. Постигание истории. Сборник (Пер.с англ.) М.: Прогресс,1991. С.67.

тарихига бўлинади. Дунё тарихи дунёнинг ва инсониятнинг глобал бирлигидан бошланади.³

XX асрга келиб глобаллашув муаммосини биринчилардан бўлиб ўрганган тадқиқотчилардан Рим клубининг аъзолари Р.Робертсон, А.Печчеи, Д.Форрестер, Д.Медоуз, Ж.Аттали ва бошқаларнинг номларини келтириб ўтиш мумкин.⁴

Глобаллашувга турли мутахассислар ва оқимлар турлича таъриф берадилар. Бу таърифларнинг айримларини келтириб ўтамиз.

- глобаллашув айрим халқаро иқтисодий ташкилотларнинг фаолияти натижасида келиб чиққан жараён;
- глобаллашув халқаро майдонда иқтисодий алоқаларнинг ва ишлаб чиқаришнинг кенгайишининг натижаси;
- турли миллатлар ва халқларнинг ўз мамлакатлари чегарасидан чиқиб, чет мамлакатларга бориб яшаши;
- ташқи миграциянинг тобора кенгайиб бориши;
- турли давлатлар ва миллатларнинг ўзаро ҳамкорлик доираларининг кенгайиб бориши;
- тарихий жараёнда турли жамиятлар ўртасида юзага келган ўзаро алоқадорлик натижаси;
- дунёнинг йирик субъектлари фаолиятининг натижаси;
- Ғарб вестернизацияси;
- Табиий интеграция жараёнининг давоми ва ҳ.к.

Бизнинг фикримизча, жамият шаклланиши тарихининг дастлабки асрларидан бошлабқ инсонлар ва турли халқлар ўртасида табиий йўл билан ижтимоий алоқалар юзага келган. Бундай жараён интеграция дейилиши мумкин. Жамият тараққий этиб боргани сари ушбу алоқалар, яъни жамиятлараро интеграция ҳам кенгайиб ривожланиб борган. Моддий ишлаб чиқаришнинг ривожланиши, илм-фан ютуқлари, техника тараққиёти ва шулар билан бир қаторда инсон эҳтиёжининг кенгайиб бориши глобаллашув жараёнининг ҳам янада тараққий этиши ва кенгайишга олиб келган. Айтиш мумкинки, глобаллашув инсоният тарихи билан биргаликда амалга ошган. Ҳозирги даврга келиб эса бу жараённинг суръатлари жадаллашиб кетди. Бунга сабаб дунёнинг турли мамлакатлари ва миллатлар ўртасидаги ўзаро иқтисодий-ижтимоий ва маданий муносабатларнинг тобора кенгайиб боришидир.

³ Қаранг: Шпенглер О.Закат Европы.-М.: Наука, 1993; Тойнби А. Постигание истории.- М.:Прогресс, 1991; Ясперс К. Истоки истории и ее цель.Вып.1-2.М.,1991.-С.120

⁴Қаранг: Философский словарь. М.: 1984; Юлдашева Ф.Х. Глобаллашув ва миллат.Андижон: Хаёт, 2010.

Демак, глобаллашув аслида ижтимоий - табиий жараён сифатида ижтимоий интеграция натижасида юзага келган. Бу жараёни қуйидагича таърифлаш мумкин: глобаллашув – (“глобал” – шар, умумбашарий, улкан) объектив ва қонуний жараён бўлиб, инсоният тарихи билан биргаликда юз берган ижтимоий интеграциянинг юқори босқичидир.

Ўзбек олимлари томонидан нашр этилган “Фалсафа” қомусий луғатида глобаллашув “глобал муаммолар” сифатида айтиб ўтилган ва қуйидагича таъриф берилган. “Глобал муаммолар – бу тушунча (фр. “global” – энг умумий) – ўз кўлами, қамрови жиҳатидан хилма-хил ва бутун ер шарига, инсониятга алоқадор бўлган муаммолардир. Глобал муаммолар кенг маънода инсон ва табиат ўртасида ўзаро алоқаларнинг бузилганлигини англатади, деб эътироф этилади.⁵ Глобал тушунчаси бугунги кунда ер юзининг катта қисмини қамраб олган ҳодиса маъносида, муаммо нуқтаи назрдан эса кўпчилик ижтимоий субъектларга тегишли бўлган муаммони англатиши мумкин. Масалан, мустамлакачилик, терроризм, СПИД, иқтисодий кризис ва ҳ.к. Минтақавий муаммолар: Орол денгизининг қуриб бориши, табиатнинг кескин ўзгариши олиб келаётган муаммолар, сув танқислиги кабилар. Айтиш лозимки глобал муаммоларнинг ижтимоий макондаги эгаллаган доираси тобора кенгайиб бормоқда.

2 Маданий глобаллашув ва миллий қадриятларни ҳимоя этишнинг зарурлиги

Давлатлар ва халқларнинг ўзаро алоқалари ва таъсирларининг кучайиши, маданий тасаввурларнинг ўзгариши, цивилизацияларнинг ўзаро алоқалари, анъаналар ва янгиликларнинг қисман қарама – қаршилиги, турмуш тарзида бир томондан замонавийликка (модернизм), иккинчи томондан анъанавийликка (традиционализм) интилиш, халқлар ва миллатлар маданияти, турмуш тарзининг бир хиллашиб бориши ва шу билан бирга миллий ўзликни англашга интилиш ва бошқа шу каби давримизнинг асосий ҳодисалари глобаллашув жараёнининг объектив мазмунини ташкил этади.

Ҳар қандай аксиологик динамиканинг ўзгариши жамият тараққиёти билан боғлиқ. Жамиятнинг барча соҳаларида юз бераётган ўзгаришлар табиийки, қадриятларни ҳам ўзгартиради. Аксиологик динамика ва ижтимоий динамика ўртасида диалектик алоқа бор. Бир томондан, ижтимоий тараққиёт қадриятларни ўзгартирса, иккинчи томондан қадриятларнинг ўзгариши жамиятни ўзгартиради. Бундан келиб

⁵ Фалсафа. Қомусий луғат. -Т.:Шарқ, 2004.92- бет.

чиқадики, кадриятлар умумий ва мавҳум нарсас эмас. Кадриятлар жамият ва шахс учун кадрли, яъни аҳамиятга эгаллиги сабабли ҳам кадриятдир. Агар улар ўз аҳамиятини йўқотиб борса, уларнинг кадрият сифатидаги моҳияти ҳам йўқолиб боради. Жамият тараққиётининг ўтиш ва бурилиш давларида жамият томонидан албатта, кадриятларни қайта кўриб чиқиш ва қайта баҳолаш, даврнинг ўзгариши руҳида уларга янги ёндашувлар пайдо бўлади. Бундай давларда кадриятларнинг тубдан ўзгариши, яъни трансформацияси юз беради.

Сўнгги вақтларда кадриятлар тизими доирасидаги ўзгаришлар жамият олдида янги муаммоларни қўймоқда. Уларни ҳал этиш учун глобаллашув шароитида турли маданиятга эга бўлган жамиятлар ва унинг аъзолари учун бирга ҳаёт кечиришнинг барчага мос келувчи тамойилларини ишлаб чиқиш масаласининг долзарблиги табиий.

Глобаллашувнинг салбий оқибатлари таъсирида маданият ва кадриятлар диалоги, маданиятлараро муносабатлар, маданий - маънавий плюрализмнинг хавф остида қолаётгани аниқ. Бундай шароитда глобаллашувнинг салбий таъсирларига қарши кураш масаласини ҳал этиш муҳим вазифа ҳисобланади. Ҳозирги кунда глобаллашув жараёнини тўхтатиб қолишга уриниш, ундан ҳимояланиш ҳамда унинг салбий оқибатларига қарши курашиш масалалари соҳа мутахассислари ўртасида турли фикрлар ва баҳсларга сабаб бўлмоқда.

Миллий-маънавий кадриятлар тизими глобаллашувнинг салбий таъсирларига қарши тура олиши мумкин бўлган асосий маънавий омиллардан бири бўлиб, айти пайтда бу омилнинг ўзи ҳам глобаллашувнинг таъсири остида қолмоқда.

Глобаллашув ижтимоий ҳаётнинг янги сифатини ва интеграциянинг ҳозирги босқичини ифодалаган ҳолда, жамиятда мавжуд бўлган анъанавий миллий кадриятлар тизимини ўзгартиради, баъзан уларга салбий таъсир кўрсатади. Шундан келиб чиққан ҳолда аксиология ижтимоий - маданий ҳаётнинг замонавийлашиб бориши (модернизация) муаммоларини ва унинг оқибатларини ўрганиб бориши, бу масалаларни ҳал этишга интилиши, кадриятларнинг қайсилари аҳамияти жиҳатидан кучлироқ, қайсилари ўзгариб бормоқда ва бу ўзгаришларнинг натижаси ва оқибатлари қандай бўлиши мумкин каби саволларга жавоб бериши лозим. Бу ҳолат вақти – вақти билан жамиятнинг ўзгариши ва ривожланиши натижасида кадриятлар тизимини қайта кўриб чиқиш, бугунги кун талаби доирасида уларни қайтадан баҳолаб, зарур бўлганда ўз аҳамиятини йўқотган кадриятлардан воз кечиш ва келгуси тараққиёт учун кадриятли ориентацияни тўғри белгилаб олишни талаб этади. Бу вазифани амалга ошириш ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан муҳимдир.

Глобаллашувнинг маданий - маънавий соҳаси билан боғлиқ йўналиши ўзининг зиддиятлилиги, мураккаблилиги билан ажралиб туради. Маданий глобаллашув ҳар хилликдан иборат бир хилликнинг тобора тарқалиб ва ривожланиб боришидан иборат. У қанчалик ўз маконини кенгайтириб борса, миллий - маънавий қадриятларга бўлган қизиқиш, ўз-ўзини англашга интилиш, миллатнинг тарихий қадриятларини тиклашга қаратилган ҳаракатлар шунчалик авж олади. Чунки диалектик тараққиёт доирасида ҳар қандай ҳаракат унга қарши ҳаракатни ҳосил қилади. Шунга кўра, маданият ва қадриятларнинг бир хиллашуви (унификация) ўз навбатида бу соҳада ўзига хосликни ва индивидуалликни сақлашга бўлган интилишни ҳам кучайтиради.

Ҳар қандай глобаллашув ҳам баъзан жамиятда қадриятли ажралиш ёки бўлиниш ҳолатини яратади. Чунки анъанавийлик ва замонавийлик ўртасидаги зиддият жамият аъзоларини ҳар хил томонларга етаклаши мумкин. Бунга ўз навбатида шахс, турли ёшдаги авлодлар, ижтимоий гуруҳлар ва миллатларнинг маданияти, психологияси ва қадриятли ориентациясининг бир – биридан фарқ қилиши ҳам таъсир кўрсатади.

Бундай шароитда ҳар хил миллатларга тегишли бўлган ўзаро миллий қадриятларнинг диалогини ҳамда миллий ва умуминсоний қадриятлар диалогини амалга ошириш имконияти долзарб муаммога айланади. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, маданият ва қадриятларнинг яшовчанлиги уларнинг бошқа маданият ва қадриятлар билан мулоқотда бўла олиши, зарур бўлганда уларга қарши тура билиши, толерантлиги, мослашувчанлиги каби хусусиятлар билан белгиланади.

Қадриятлар шунинг учун ҳам қадриятки, улар юқорида санаб ўтилган хусусиятларига биноан бошқа қадриятларга ўрнини дарҳол бўшатиб бермайдилар. Улар диалог олиб боришга интиладилар. Бундай қадриятлар диалоги томонларнинг бир – биридан фарқли ва шу билан бирга ўзига хос белгиларини англаб етиши, ўзга маданиятни тан ола билиши, кўпчилик томонидан эътироф этилиши мумкин бўлган умуминсоний қадриятларни таклиф эта билиши, ҳамда ўз манфаатларига мос равишда уларни ҳимоя қила олиши каби имкониятлар мавжуд бўлгандагина амалга ошиши мумкин. Акс ҳолда глобаллашув жараёнида маълум ижтимоий –иқтисодий ва сиёсий сабабларга кўра фаол иштирок эта олмаётган миллатлар бу соҳадаги етакчи давлатларнинг мажбурий таъсири остида ўз маданияти ва маънавиятидан маҳрум бўлишлари ва ўз идентификациясини йўқотиб қўйишлари мумкин.

Демократик тараққиёт тамойиллари дунёнинг етакчи мамлакатларидан гуманистик плюрализмга асосланган тенг ҳуқуқли диалог олиб боришни талаб этади. Интеграция ва глобаллашув маданий ранг-барангликни инкор этмаслиги аксинча, тенг ҳуқуқли ҳар хиллик асосида қурилган бир хилликни ташкил этиши керак. Яъни, глобал

бутунлик қайси соҳада бўлишидан қатъий назар турли яккаликдан тузилган бўлиши, барча яккаликларнинг хусусиятларини ўзида акс эттириши ва шу билан бирга бу яккаликларнинг бирортаси билан ҳам айнан мос тушмаслиги зарур. Глобал маданият тизимида турли маданиятлар элементларини уйғун тарзда акс эта олиши билан бирга, уларнинг бирортасини ҳам гегемон бўлиб қолишига йўл қўймаслик, ҳар бир маданият ўзини - ўзи реализация қила олиш имкониятига эга бўлиши лозим⁶. Бундай тизим турли маданият ва қадриятларнинг диалектик бирлигини ташкил этиб ўзида уларнинг миллий ва умуминсоний жиҳатларини, моҳиятини ва турли-туманлигини акс эттириши зарур. Ана шундагина гуманистик плюрализмга асосланган маданий диалог томонларнинг манфаатларини тенг ифода эта олади.

Бу нуқтаи назардан ўзбек миллий маданияти катта тарихий тажрибага эга. Бу ҳақда таниқли ўзбек адабиётчиси О.Шарафиддинов қуйидаги фикрларни ёзган эди: “Шуниси қувонарлики, бу маданият ҳеч қачон миллий қобиғига ўралиб қолган эмас. У қадим-қадимдан умумбашарий қадриятлар билан узвий алоқада бўлиб, муттасил бойиб, такомиллашиб боргани учун нафақат ўзи шаклланган ҳудудда, балки жаҳон маданий майдонида ҳам муҳим ўрин тутди. Бу маданият ҳозирги кунга қадар Шарқнинг ранго-ранг цивилизация ютуқларидан баҳраманд бўлгани каби, Ғарб тамаддунининг ҳам энг яхши тажрибаларини ўзлаштириб, улардан фойдаланиб ривожланиб келмоқда. Албатта, бу мутлақо табиий ва қонуний жараён”⁷.

Глобаллашув шароитида қадриятлар трансформацияси билан боғлиқ бўлган масалалардан яна бири анъанавий миллий қадриятларни ҳимоя қилиш механизмини ишлаб чиқишдир. Юқорида қайд этилганидек, бундай шароитда ҳар бир миллат ва миллий маданият ўзининг маданияти, маънавияти ва турмуш тарзини унинг манфаатларига мос тушмайдиган ташқи глобал маданий таъсирдан ҳимоя қила олиш имкониятларига – маълум ҳимоя усуллари, йўллари, тамойилларига эга бўлиши, бир сўз билан айтганда, назарий ва амалий жиҳатдан ҳимоя механизмини ўзининг турмуш тарзи ва анъаналарига мос тарзда ишлаб чиқиши лозим.

Анъанавий қадриятлар танлови уларнинг бугунги кун ва келажак учун аҳамиятлилиги, глобаллашув шароитида чиндан ҳам маҳаллий эҳтиёжлар ва манфаатларга хизмат қила олиш қобилияти, потенциали мезони билан боғлиқ бўлиши керак. Жамият ижтимоий соҳаларининг глобаллашув таъсири остида модернизациялашуви маълум чегарагача бўлгани ҳолда, баъзан тарғибот йўли билан, баъзан эса қонун йўли билан бу жараённинг айрим миллий маънавий манфаатларга зид

⁶ Василенко И.А. Политическая глобалистика. М., «Логос», 2000. С.264.

⁷ “Шарафиддинов О. Экология ва маданият. //Тафаккур, 2005, № 1.19-20 б.

бўлган жиҳатларини тўхтатиб қолиш зарур бўлади. Ана шундай йўл билан миллий кадриятлардан ўта узоқлашиб кетиш ҳолатини ва жамиятнинг замонавийликка, модага - кескин ўзгаришларга мойиллиги кучли бўлган айрим қатламларини аниқса, ёшларни маънавий жиҳатдан ҳимоя этган ҳолда асосий оммадан ажралиб қолишини олдини олиш мумкин. Бу нарсалар ўз навбатида жамиятда аҳолининг турли гуруҳлари ва қатламлари ўртасида келиб чиқиши мумкин бўлган бир-бирини тушунмаслик, психологик ва ижтимоий конфликтнинг сабабларини ҳам йўққа чиқаради. Авлодлар ворислиги ва жамият аъзоларининг бир бутунлигини сақлаб қолади. Таклиф этилган усуллар бизнингча, оммавий ахборот воситалари, интернет, чет эл санъати орқали ҳаётимизга кириб келаётган глобал маданиятнинг миллий кадриятларга путур етказишини олдини олишга имкон яратади.

Шуни айтиш жоизки, юз бериши мумкин бўлган айрим салбий ҳолатлар учун глобаллашув ҳодисасининг ўзи “айбдор” ва “жавобгар” эмас. Аксинча, бу кўпроқ субъектив омилнинг фаолияти билан боғлиқ ҳодиса. Шу сабабли ҳам кўр-кўрона ёт маданиятни тарғибот қилиш ҳаракатларини чегаралаш зарур. Фикримизча, маданий глобаллашув соҳасида толерантликка ортиқча урғу бериш нотўғри. Маълумки, халқимизнинг ижтимоий онгида толерантлик хусусияти алоҳида ўрин эгаллайди. Толерантлик умуман олганда ижобий аҳамиятга эга. Толерантлик хусусиятини аниқ акс эттирган таърифлардан бирини 1987-1999 йилларда ЮНЕСКОнинг бош директори Ф.Майора берган: “Толерантлик нима? Бу ён босиш, бефарқлик эмас. Бу бошқаларни билиш ва тушуниш. Бу ўзаро тушуниш орқали ўзаро ҳурмат... Толерантлик нима? Бирлашиш - ҳа; бир хиллашув - йўқ.

Турли - туманлик – ҳа. Зўравонлик - йўқ. Ўткир баҳслар - ҳа; куч ва тобеълик - йўқ”⁸. Толерантлик плюрализм, турли маданиятга мансуб бўлган миллатлар ва мамлакатларнинг ўзаро ҳурматга асосланган мулоқотининг тамойилларидан бири.

Толерантлик очиқликни ва бошқаларга нисбатан сабр-тоқатли бўлишни тақозо этади. Бундай очиқликнинг аҳамияти ҳақида Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов бундай дейди: “Ҳақиқатан ҳам, халқимизнинг минг йиллар давомида қарор топиб келган ва биз сақлаб қолишга интилайётган анъанавий шарқона маданияти Ғарб маданиятидан кўп жиҳатдан фарқ қилади. Бунда асосий масала-анъанавий маданият ҳозирги пайтда қанчалар очиқ, бошқа кадриятларни қабул қилишга қанчалик қодир эканлигидадир.

Ата-Мирзаев О., Гентшке В., Р.Муртазаева. Межнациональная толерантность в Узбекистане: история и современность.-Т.:Университет, 2004. 11-б.

Фақат ўзига хос маданиятларгина эмас, балки, биринчи навбатда, бир-бирини бойитадиган маданиятларгина яшашга қодирдир”⁹.

Лекин гап глобал маданият ҳақида борганда, юқорида қайд этиб ўтилганидек, керагидан ортиқча толерантликка мойиллик, бошқа маданиятга ортиқча очиқлик, бағрикенгликнинг оқибати доим ҳам исталган натижаларга олиб келавермайди, бундай ҳолат миллий маданиятнинг ижтимоий ҳаётдаги ва кишиларнинг турмуш тарзидаги аҳамиятини пасайтириб юбориши, уни ижтимоий онгда акс этиши билан боғлиқ бўлган янги муаммоларни пайдо қилиши мумкин. Бундан ташқари маданият ва ахлоқий соҳадаги ортиқча толерантлик ёшларда миллий маданият ва маънавиятга ҳамда миллий қадриятларга нисбатан нотўғри муносабатни шакллантириши ва уларга нисбатан миллийлик хусусияти кам бўлган қадриятларни устун қўйиш психологиясига олиб келиш мумкин.

3. Ўзбекистон ва глобаллашув

Ўзбекистон ҳам бошқа жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари ҳамда жаҳон интеграциясига қўшилиб бораётган давлатлар қатори глобаллашув жараёнига тобора кириб бормоқда. Бу маънода мамлакатимизнинг глобаллашувга қўшилиб боришининг ўзига хос хусусиятлари бўлиб, улар миллий менталитетимиз, миллий қадриятларни устувор саналиши билан боғлиқ.

Ўзбекистонда маданий глобаллашув жараёнига нисбатан демократик эркинлик тамойилларини қўллаган тарзда, мамлакатимизнинг тараққиётига хизмат қилиши мумкин бўлган анъанавий ва миллий қадриятларни ҳимоя қилиш йўлларини излаб топиш муҳим. Миллий - маънавий қадриятларга таяниш, анъанавий қадриятларни маънавий тараққиётнинг асосий омиллардан бири сифатида тан олиш ва уларни замонавий прогрессив, ҳамда демократик умуминсоний қадриятлар билан уйғунлаштириш глобаллашув даврига босқичма – босқич кириб боришни таъминлайди. Бундай йўл билан демократик- ҳуқуқий давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнини ҳам тезлаштиради.

⁹ Каримов И. Ўзбекистон XX1 аср бўсағасида. Хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.: Ўзбекистон, 1997. 184- б.

Қайд этилаётган шароитда Ўзбекистон учун қийинчилик туғдириши мумкин бўлган ҳолат шундан иборатки, ҳам ўтиш даврининг муаммоларини, ҳам маънавийтимизга таъсир кўрсатаётган глобаллашув жараёнининг оқибатлари билан боғлиқ бўлган муаммоларни бир вақтнинг ўзида ҳал этишга тўғри келади.

Ўзбекистон тараққиётининг ҳозирги шароитида миллатимизнинг глобаллашув жараёнига муносабати ўз тарихий қадриятларимизни ҳимоя қилишдан ва унга мос равишда жаҳон прогрессив маданиятини ўзлаштиришдан иборат бўлиши зарур. Модернизация ҳодисаси олиб келаётган ижобий натижаларни тараққиётимиз йўлида жорий этиш мақсадга мувофиқдир.

Шуни таъкидлаш зарурки, анъанавий маданият ва қадриятлар шахснинг фаоллиги, турмуш тарзи, ҳаёт фаолияти ва умуман ижтимоий ҳаётига катта таъсир кўрсатади. Замонавий тараққиёт таъсирида анъанавий маданият ва қадриятларнинг ўзи ҳам ўзгариб янгиликларга мослашиб боради. Агар улар тараққиёт натижасида моҳиятини ўзгартирмаса, жамиятнинг ва айниқса, ёшлар онгининг шаклланиши замон талабларига жавоб бера олмай қолиши мумкин. Қадриятлар анъанавий ёки қадимий бўлгани сабабли эмас, улар ҳозирги замон учун аҳамиятли ва зарур бўлгани учун ҳам қадриятдир. Анъанавий қадриятларнинг аҳамияти шундаки, улар миллий маданиятнинг ўзига хос ва қайтарилмас томонларини сақлаб қолишга имкон беради, замонавий қадриятларни қўллаш ва улар асосида келгуси ривожланиш учун замин яратади. Демак, қадриятларга бўлган муносабатда анъанавийлик ва замонавийлик, миллийлик ва умуминсонийлик диалектикасига асосланган тамойилларга амал қилиниши лозим.

Ҳозирги даврда глобаллашув объектив жараён сифатида дунё ҳамжамияти келажагини белгилаб бермоқда. Глобаллашув Ўзбекистонга ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда. Ўзбекистонда иқтисодий, сиёсий ва маънавий ислохотлар глобаллашув жараёни кенгайиб ва чуқурлашиб бораётган бир шароитда амалга оширилмоқда. Ёш демократик мамлакатимиз олдида бу жараён билан боғлиқ бўлган бир қатор вазифалар турибди. Улардан бири - глобаллашув натижаларини жамиятимизнинг прогрессив тараққиётига хизмат қилиш томонига буришдир. Глобаллашув ҳодисасининг ўзи фақат агрессив моҳиятга эга эмас: унинг яратувчилик потенциалидан фойдаланиш, унинг натижаларини ва оқибатларини тўғри йўналтириш муҳимдир. Ўзбекистон глобаллашув жараёнида кузатувчи бўлиб эмас, унинг фаол иштирокчиси ва унга таъсир эта олувчи субъекти сифатида қатнашиши унинг келажакда юксак тараққий этган мамлакатлар қаторидан жой олади.

Юқорида қайд этилганлардан кўриниб турибдики, “глобаллашув” тушунчаси дунё ҳамжамиятининг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маданий, илмий ва бошқа жиҳатларининг

ўзаро боғланиб боаётганини англатади. Бу объектив жараённинг таъсирини ўзида кучли ва яққолроқ сезиб бораётган соҳалардан бири маданият соҳасидир. Глобаллашувнинг шакллари ичида (иқтисодий, сиёсий, коммуникатив, маданий, диний) маданий глобаллашув нисбатан зиддиятли ҳисобланади.

Маданий глобаллашув фан, маданият, таълим, ахлоқ, мафкура ва дин соҳаларидаги ўзгаришлар билан боғлиқ бўлиб, у ўта мураккаб ҳамдир. Унинг зиддиятли ва мураккаблилиги шундаки, бир томондан, маданий глобаллашув жараёнида маданият, илм-фан ва техника тараққиёти янада кенгайиб, миллий чегараларни бузиб юбораётгани, аксарият мамлакатларда узлуксиз таълим тизимининг жорий этилиши, янги ахборот технологияси таъсири, маданий қадриятлар алмашинуви каби ҳодисаларнинг ривожланиши давлатлар ва миллатларнинг маданияти ва маданий тараққиёти йўналишларини бутунлай ўзгартириб юбормоқда. Унинг оқибатида эса глобал ахборот тизимлари орқали миллий моҳиятга эга бўлмаган оммавий маданият тарқалмоқда. Ахлоқий анъаналар, қадриятлар ва умуман анъанавий миллий турмуш тарзи ўзгариб кетмоқда. Бу жараёндан ҳеч қайси миллат ва давлат четда қола олаётгани йўқ.

Юқорида қайд этилган ҳодисалар билан бир қаторда миллий маданият, ўзликни англаш каби миллатларнинг ўзини ифода этиши билан боғлиқ жиҳатлар ҳам янада кўпроқ намоён бўлмоқда. Фақат шуни таъкидлаб ўтиш керакки, биринчи ҳодиса иккинчисига нисбатан тезроқ кечяпти. Миллий маънавият, маданият ва қадриятлар ўзини ҳимоя қилиш жараёнида глобаллашувга нисбатан орқада қолмоқда. Миллий ўз-ўзини англаш жараёни баъзан глобаллашувнинг негатив таъсирларига жавоб бера олмай қолмоқда..

Айтиб ўтилган фикрларни ҳисобга олган ҳолда, ёшларнинг миллий - маънавий тарбияси борасида қуйидагиларга эътиборни қаратиш лозим, деб ҳисоблаймиз. Биринчидан, ўзаро маданий алмашинув соҳасида либерализмга маълум чегараларгача йўл қўйиш мумкин. Бундай чегараларни сақлаб қолиш учун эса глобаллашув жараёнини миллий - маънавий қадриятларни тарғиб қилиш орқали бошқариш ёки ҳеч бўлмаганда, миллий манфаатларимизга мослаштириш керак.

Миллий маънавий ва маданий яхлитликни сақлаб қолишнинг асосий йўлларида бири бу миллий ва прогрессив диний қадриятларга таянишдир. Уларни шахснинг анъанавий тарбияси соҳасидаги асосий тамойиллардан бири деб тан олиш, Ўзбекистонни демократик давлатга айланиб бориши ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнига босқичма-босқич кириб келишини таъминлайди. Миллий ва жамиятимизнинг тараққиётига хизмат қилувчи диний қадриятлар жамиятимиз онгига таъсир қилаётган глобаллашувнинг негатив томонларини юмшатади, авлодлар боғлиқлигини, миллий ўзига хосликни сақлаб қолади ва шу орқали миллий онгни ҳам ҳимоя эта олади.

Ҳар қандай маънавий тарбия маълум бир назарий асосга, таянчга эга бўлиши зарур. Бундай назарий асос жамиятнинг ва миллатнинг тарихини, ўзига хослиги, анъаналари ва турмуш тарзини ифода этади. Бундай назарий асос вазифасини юқорида қайд этилган миллий, диний қадриятлар ва маънавиятимизга мос келувчи умуминсоний ва замонавий қадриятлар тизими бажариши мумкин. Бу вазифани амалга ошириш эса уни маънавий тарбиянинг асосий тамойилига асосланган ҳолда, яъни таълим билан тарбияни бирлаштириш орқали амалга оширилиши зарур.

Умуминсоний қадриятлар барча халқларнинг маданиятига мос келувчи маънавий қадриятларни, яъни фан, адабиёт, санъат, дин ва бошқа барча миллатлар томонидан эътироф этилувчи қадриятларни ўз ичига олади. Замонавий қадриятлар эса ҳозирги даврнинг руҳига, тарихий миллий маънавиятимизга мос келувчи, ҳамда жамиятимизнинг келгуси тараққиётига хизмат қилувчи қадриятлар мажмуасидир. Замонавий қадриятлар анъанавий миллий қадриятларни инкор этмайди, аксинча, уларга асосланган ҳолда ривожланади ва бу йўл орқали авлодлар боғлиқлигини таъминлайди.

Ҳар қандай демократик тараққиёт юксак маънавият ва маънавий қадриятларсиз бўлиши мумкин эмас. Демократия маънавиятга асосланади. Юқори маънавиятсиз демократик фуқаролик жамияти қуриш мумкин эмас. Демократия маънавиятнинг натижасидир, чунки демократия маънавий тараққиётнинг маълум босқичида пайдо бўлди ва маънавиятнинг ажралмас таркибий қисмига айланди. Юксак маънавият мавжуд демократиянинг ҳам ривожланишини таъминлайди. Юксак тараққий этган маънавият демократиянинг асоси ва таянчи ҳисобланади.¹⁰

Демак, демократияга асосланган фуқаролик жамиятини шакллантириш энг аввало маънавият, маънавий қадриятларнинг тараққиётига боғлиқ. Ўзбекистоннинг келажаги бугунги глобллашув шароитида шахснинг онгида тўғри қадриятли танлов, қадриятли баҳолаш ҳамда қадриятли оморларни аниқ тасаввур этишга ҳам кўп жиҳатдан боғлиқ.

Глобллашув жараёни шароитида маънавий тарбия олдида турган асосий вазифалардан бири миллий – анъанавий ва замонавий қадриятларни бирлаштирган ҳолда Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлатни барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидан боришдан иборат.

Давлатлар ва халқларнинг ўзаро алоқалари ва таъсирларининг кучайиши, маданий тасаввурларнинг ўзгариши, цивилизацияларнинг ўзаро алоқалари, анъаналар ва янгиликларнинг қисман қарама – қаршилиги, турмуш тарзида бир томондан замонавийликка (модернизм), иккинчи томондан анъанавийликка (традиционализм)

¹⁰ Бегматов А. Маънавият фалсафаси ёхуд И. Каримов асарларида янги фалсафий тизимнинг яратилиши. - Т.: Шарқ, 2000. - 45-49 б.

интилиш, халқлар ва миллатлар маданияти, турмуш тарзининг бир хиллашиб бориши ва шу билан бирга миллий ўзликни англашга интилиш ва бошқа шу каби давримизнинг асосий ҳодисалари глобаллашув жараёнининг объектив мазмунини ташкил этади.

Қадриятларнинг ўзгариши жамият тараққиёти билан боғлиқ. Жамиятнинг барча соҳаларида юз бераётган ўзгаришлар табиийки, қадриятларни ҳам ўзгартиради. Аксиологик динамика ва ижтимоий динамика ўртасида диалектик алоқа бор. Бир томондан, ижтимоий тараққиёт қадриятларни ўзгартирса, иккинчи томондан қадриятларнинг ўзгариши жамиятни ўзгартиради. Бундан келиб чиқадики, қадриятлар умумий ва мавҳум нарсаси эмас. Қадриятлар жамият ва шахс учун қадрли, яъни аҳамиятга эгаллиги сабабли ҳам қадриятдир. Агар улар ўз аҳамиятини йўқотиб борса, уларнинг қадрият сифатидаги моҳияти ҳам йўқолиб боради. Жамият тараққиётининг ўтиши ва бурилиш давларида жамият томонидан албатта, қадриятларни қайта кўриб чиқиш ва қайта баҳолаш, даврнинг ўзгариши руҳида уларга янгича ёндашувлар пайдо бўлади. Бундай давларда қадриятларнинг тубдан ўзгариши, яъни трансформацияси юз беради.

Сўнгги вақтларда қадриятлар тизими доирасидаги ўзгаришлар жамият олдида янги муаммоларни қўймоқда. Уларни ҳал этиш учун глобаллашув шароитида турли маданиятга эга бўлган жамиятлар ва унинг аъзолари учун бирга ҳаёт кечиришнинг барчага мос келувчи тамойилларини ишлаб чиқиш масаласининг долзарблиги табиий.

Глобаллашувнинг салбий оқибатлари таъсирида маданият ва қадриятлар диалоги, маданиятлараро муносабатлар, маданий - маънавий плюрализмнинг хавф остида қолаётгани аниқ. Бундай шароитда глобаллашувнинг салбий таъсирларига қарши кураш масаласини ҳал этиш муҳим вазифа ҳисобланади. Ҳозирги кунда глобаллашув жараёнини тўхтатиб қолишга уриниш, ундан ҳимояланиш ҳамда унинг салбий оқибатларига қарши курашиш масалалари соҳа мутахассислари ўртасида турли фикрлар ва баҳсларга сабаб бўлмоқда.

ХУЛОСА

Ҳозирги даврда Ўзбекистон тарихий туб бурилишлар ва ўзгаришлар даврини бошдан кечирмоқда. Жамиятнинг ижтимоий ҳаёти бир шаклдан иккинчи шаклга ўтмоқда. Жамиятнинг ҳозирги тараққиётини халқнинг турмуш тарзини тўла ўзгартираётган инқилобий қайта қуришлар даври сифатида тавсишlash мумкин.¹

Ушбу инқилобий ўзгаришлар қуйидагиларда намоён бўлади:

- миллий маънавият ва маънавий қадриятларнинг тикланиши ва маданий – маънавий меросни ўрганиш имкониятининг юзага келиши;
- янги тарихий шароитда Шарқ анъаналари ва бу соҳадаги жаҳон илғор тажрибасининг синтези асосида ўзбек миллий давлатчилигининг ривожланиши;
- демократик жараёнларнинг тараққий этиши ва Ўзбекистоннинг жаҳон сиёсатидаги ролининг ошиши.

Глобаллашув жараёнига қўшилган давлат ёки миллат қанчалик тараққий этиб боргани сари у шунчалик миллатлараро ва давлатлараро муносабатларга, демократик ўзгаришларга кириб боради ва тараққиётининг суръатлари янада тезлашади. Ва аксинча, жамият қанчалик демократик йўлдан тараққий этиб боргани сари, у шунчалик глобаллашув жараёнига ҳам чуқурроқ кириб боради, бу жараён доирасидаги ижтимоий муносабатларга ўзининг ихтиёридан қатъий назар қўшилиб боради. Миллатлар ёки давлатлар изоляцияда (ажралган ҳолда, яқка) яшай олмаганликлари сабабли доим бошқалар билан ўзаро муносабатларга интиладилар. Ҳеч қайси миллат ёки давлат алоҳида ва ўз қобилигига ўралган ҳолда тараққий этмайди. Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, ижтимоий тараққиётнинг ўзи объектив тарзда глобаллашув жараёнининг юзага келишига сабаб бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий мустақиллик, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-Китоб.-Т.: Ўзбекистон, 1996.
2. Каримов И. “Юксак маънавият-енгилмас куч”. -Т.: Маънавият, 2008.
3. Каримов И. Ўзбекистон XX1 аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.:Ўзбекистон, 1997.
4. Каримов И. Миллий истиқлол мафкураси-халқ эътиқоди ва буюк келажакка интилишдир. Т.:Ўзбекистон, 2000.
5. А.Бегматов. Маънавият фалсафаси. 2-китоб. Т., 2006. 57 б.
6. Имомназаров М. Маънавиятимизнинг такомил боскичлари .- Т.:Шарқ, 1996.

¹ Жураев Н. Агар оғох сен.-Т.: Ёзувчи, 1998. 77 б.

- 7.Махмудов Т. Мустакиллик ва маънавият. -Т.:Шарк,2001.
- 8.Миллий гоя ва маънавият. -Т.: Маънавият, 2002.
- 9.Саидов У. Глобаллашув ва маданиятлараро мулоқот. -Т.:Академия, 2008.
- 10.Умаров Б.Глобаллашув зиддиятлари.-Т.: Маънавият, 2006